

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

“O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati  
акциядорларининг 2025 йил 12 июндаги  
04/2025-сонли йиллик умумий йиғилиши  
баёни қарори билан



 **М.Шарипова**

2025 йил « 12 » июнь

**«O‘ZAGROLIZING»  
aksiyadorlik jamiyati  
УСТАВИ  
(янги тахрирда)**

**ТОШКЕНТ - 2025 й.**

## 1. ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ, ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ва Таъсисчилар томонидан 1999 йил 26 ноябрда имзоланган Таъсис шартномасига мувофиқ ташкил этилган Aksiyadorlik jamiyati “O‘zqishloqxo‘jalikmashlizing” aksiyadorlik lizing kompaniyasi номи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сонли Фармонига асосан “O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati (бундан кейин “Жамият” деб аталади) деб ўзгартирилди.

“O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича Aksiyadorlik jamiyati “O‘zqishloqxo‘jalikmashlizing” aksiyadorlik lizing kompaniyasining ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3929-сонли Қарорига асосан “Ўзагролизинг” АЖ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқарилган.

2. Жамият ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига ва қисқартирилган фирма номига эга.

3. Жамиятнинг номи:

Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида:

- тўлиқ номи: “O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati;

- қисқартма номи: “O‘zagrolizing” АЖ

Рус тилида:

- тўлиқ номи: Акционерное общество “Узагролизинг”;

- қисқартма номи: АО “Узагролизинг”.

Инглиз тилида:

- тўлиқ номи: “Uzagroleasing” Joint Stock Company;

- қисқартма номи: “Uzagroleasing” JSC.

4. Жамиятнинг:

жойлашган ери (почта манзили) - 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 42А- уй;

электрон почта манзили – [info@agroleasing.uz](mailto:info@agroleasing.uz);

расмий корпоратив веб-сайти - [www.uzal.uz](http://www.uzal.uz).

5. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”, “Лизинг тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда ушбу Уставга мувофиқ амалга оширади.

6. Жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – Акциядорлик жамияти.

7. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

8. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

9. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

10. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

11. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

12. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

13. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

14. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

## 2. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ), МАҚСАДИ ВА МУДДАТЛАРИ

15. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликларига, “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти тизимидаги ҳудудий корхоналарга ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларга (бундан кейин “лизинг олувчилар” деб аталади) уларнинг буюртмаларига мувофиқ сотиб олинган қишлоқ хўжалик техникаларининг барча турлари, автотранспорт ва мототранспорт воситалари, эксковаторлар, технологик ускуна ва жиҳозларни, чорвачилик техникалари, зоотехника жиҳозлари ва механизация воситаларини (бундан кейин “техникалар” деб аталади) лизингга бериш ҳисобидан лизинг хизмати кўрсатиш орқали фойда олиш мақсадида тузилди.

16. Жамиятнинг фаолият соҳаси (асосий йўналишлари) қуйидагилардан иборат:

16.1. Лизинг олувчиларнинг лизинг асосида реализация қилинган замонавий қишлоқ хўжалиги ва бошқа техникаларга, ускуналар ҳамда мини технологияларга бўлган талабларини ўрганиш;

аграр йўналишдаги фаолиятнинг устуворлигини таъминлаган ҳолда лизинг фаолияти йўналишларини диверсификациялаш ва кенгайтириш, хусусан мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналар ва агрологистика марказларини тайёр ҳолда лизингга бериш амалиётини жорий қилиш;

замонавий, халқаро стандартларга жавоб берадиган лизинг хизматлари турларини ва инновацион молиявий маҳсулотларни жорий этиш;

агросаноат комплекси, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг лизинг лойиҳалари ва тадбиркорликни молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этиш;

лизинг хизматларини кўрсатиш соҳасига замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш ва кадрлар малакасини ошириш.

16.2. Моддий ёки номоддий актив кўринишидаги кўчар ва кўчмас мулкни сотиб олади, лизингга, шу жумладан қайтариладиган шаклдаги лизингга беради, ижарага беради, алмаштиради ёки мазкур мулк билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай ҳуқуқ ва манфаатларни амалга оширади.

16.3. Бошқа юридик шахсларнинг акцияларини сотиб олиш ёки уларнинг устав фондига улуш қўшиш натижасида, мазкур юридик шахснинг фаолияти натижасидан келиб тушадиган дивидендларни тасарруф этади.

16.4. Юридик ва жисмоний шахслар билан мустақил равишда контракт (шартнома) ва битимлар тузади, қонунчилик ҳужжатларида ман этилмаган ва ушбу уставда кўрсатилмаган фаолият турлари билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланади, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўзига мажбуриятлар қабул қилади.

16.5. Ўзига қабул қилган ҳар қандай мажбуриятларни кўчмас мулк ёки мажбуриятларни таъминлашнинг бошқача усуллари билан таъминлайди.

16.6. Ўз шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ҳолларда кафиллик бериш бўйича битимлар тузади.

16.7. Ўз мақсадларига эришиш учун қарз ва кредит маблағлари олади ва олинган маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида уларни моддий ва номоддий активлар кўринишида кўчар ва кўчмас мулк сифатида сармоя қилиб киритади.

16.8. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади.

16.9. Асосий фаолиятдан ташқари кўшимча фойда олиш мақсадида Жамият, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

16.10. Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқароларини амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибларда ишга қабул қилади, уларга ойлик иш ҳақи миқдори ва тўлов шаклини белгилайди, рағбатлантириш ва имтиёзлар бериш тартибларини ишлаб чиқади ва қўллайди.

17. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

### 3. УСТАВ ФОНДИ МИҚДОРИ

18. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий

валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

19. Жамиятнинг устав фонди жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

20. Жамият оддий акцияларни, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қийматдаги умумий миқдори жамият устав фондининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

21. Жамиятнинг мол-мулки, унинг акцияларини сотиб олиш ҳисобига киритилган устав фондидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган даромад ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида қўлга киритилган бошқа мол-мулкдан иборатдир.

22. Жамиятнинг устав фонди миқдори 1 016 808 998 010 (бир триллион ўн олти миллиард саккиз юз саккиз миллион тўққиз юз тўқсон саккиз минг ўн) сўмни ташкил этади.

Жамият жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган (қўшимча) акцияларининг энг кўп миқдорини 553 293 886 (беш юз эллик уч миллион икки юз тўқсон уч минг саккиз юз саксон олти) дона, эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 2 535 сўм бўлган, умумий қиймати 1 402 600 001 010 (бир триллион тўрт юз икки миллиард олти юз миллион бир минг ўн) сўмлик акциялар этиб белгиланади.

Эълон қилинган (қўшимча) 553 293 886 (беш юз эллик уч миллион икки юз тўқсон уч минг саккиз юз саксон олти) дона эгаси номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 2 535 сўм бўлган, умумий қиймати 1 402 600 001 010 (бир триллион тўрт юз икки миллиард олти юз миллион бир минг ўн) сўм акциялар очик ёки ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.

#### 4. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

23. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилади.

24. Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

25. Жамият устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг

сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

26. Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

27. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

28. Жамият устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда, ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

29. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

30. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

31. Жамият устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори жамият устав фонднинг жамият уставидagi тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланмайдиган амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

32. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

33. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

34. Жамиятнинг акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган тақдирда, Жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида жамият уставининг матнини, шу жумладан, унга доир ўзгартиш ва кўшимчаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилиши шарт.

## 5. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ КИЙМАТИ, АКЦИЯЛАРГА БЎЛГАН ХУҚУҚЛАРНИ ЎТИШИ ВА АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ

35. Акцияларни чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, тарқатиш ва жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби амалдаги қонунчиликка ва ушбу уставга мувофиқ белгиланади.

36. Жамият қонун ҳужжатларига ва ўз уставига мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

37. Жамият акцияларининг номинал қиймати 2535 (икки минг беш юз ўттиз беш) сўм этиб белгиланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хилдир.

38. Жамиятнинг жами акциялари сони 401 108 086 (тўрт юз бир миллион бир юз саккиз минг саксон олти) донадан иборат. Шундан, жойлаштирилган акциялари 1 016 758 298 010 (бир триллион ўн олти миллиард етти юз эллик саккиз миллион икки юз тўқсон саккиз минг ўн) сўмлик 401 088 086 (тўрт юз бир миллион саксон саккиз минг саксон олти) дона эгаси номи ёзилган оддий, ҳужжатсиз шаклдаги ва 50 700 000 (эллик миллион етти юз минг) сўмлик 20 000 (йигирма минг) дона имтиёзли акциялардан иборат.

39. Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган бўлса, уларнинг биржа котировкалари мазкур қимматли қоғозларнинг бозор қиймати деб эътироф этилади.

40. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

41. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

42. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозлар Марказий депозитарий ва/ёки инвестиция воситачилари томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

43. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ахборотни ошкор қилади. Жамият ахборотни:

Жамиятнинг расмий веб-сайтида;

Фонд биржасининг расмий веб-сайтида;

қимматли қоғозлар эмиссия рисоласида;

Жамиятнинг йилнинг ҳар чорағидаги ва йиллик ҳисоботида;

Жамиятнинг фаолиятидаги муҳим фактлар тўғрисидаги хабарларда ошкор қилади.

44. Жамият ва унинг мансабдор шахслари матбуотда ҳамда расмий веб-сайтида эълон қилинган маълумотларнинг ишончлигига амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибларда жавобгардирлар.

## 6. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

45. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

46. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

47. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

48. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ушбу акциялар номинал қийматининг 25 фоизига тенг бўлган миқдорда белгиланган йиллик фоиз ставкаси даражасида тўланади.

49. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига муносиб равишда тақсимланади.

50. Жамият молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

51. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

52. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

53. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

54. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

55. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли

акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

56. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

57. Акциядор жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендлар жамият томонидан тўланмаган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили кўлланилади.

58. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

59. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

60. Жамият:

- Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

61. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

## 7. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТУЗИШ

62. Жамият соф фойда ҳисобидан қуйидаги фонд ва жамғармаларни тузади:

- захира фонди;
- валюта фонди;
- меҳнатни муҳофаза қилиш фонди;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан аниқлаб берилган ва Жамият фаолияти учун керак бўлган бошқа фондлар.

63. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

64. Захира фонди Жамият устав фондининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ташкил этилади.

65. Жамиятнинг захира фонди ушбу уставнинг 64-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан камида 5 (беш) фоизини ҳар йилги мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади.

66. Захира фонди тўлиқ ёки қисман сарф этилганда мажбурий ажратмалар ўтказиш қайтадан амалга оширилади.

## 8. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

67. Акциядорлар:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

- Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш;

- Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатиш;

- акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш;

- кўшимча акциялар чиқарилган тақдирда акциядорлар устав фондидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш;

- ушбу уставда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Жамият фаолияти тўғрисида Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва бошқа бошқарув органларига уларнинг ваколатига қараб кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадирлар;

- Жамият Устав капиталининг камида 5 фоиз улушига эга акциядорларга аудиторлик текширувини ўтказиш талаби билан чиқиш;

Акциядорлар амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

68. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

69. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ва ушбу уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

70. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда ва ушбу уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

71. Имтиёзли акцияларнинг эгалари амалдаги қонунчилик меъёрларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

## 9. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

72. Жамиятнинг бошқарув органи бўлиб Акциядорларнинг Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Жамият Бошқаруви ҳисобланади.

## 10. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

73. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

74. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

75. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

76. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили одатда 30 июнгача бўлган муддатда ўтказилади.

77. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу Уставнинг 80-бандининг ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошларига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамият бошқаруви ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини сурункасига икки мартадан ортиқ муддатга узайтиришга йўл қўйилмайди.

78. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

79. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборот)нинг рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

80. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фондини камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида Кузатув кенгаши томонидан мақулланган масалани тасдиқлаш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш. Жамият Бошқарув раисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8- ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият бошқаруви аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

- Жамият Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисида Кузатув кенгаши томонидан мақулланган масалани тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг бошқарувига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

81. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:

- жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда ва ушбу уставда назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

82. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва

акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори тўлиқ расмийлаштирилганидан сўнг ўн кунлик муддатда Давлат активларини бошқариш агентлигининг “Давлат мулки” ахборот тизимига жойлаштирилади.

83. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида жамиятнинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

84. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини ва унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8- ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш;

Аффилланган шахс(лар) билан тузилаётган битимни маъқуллаш.

85. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

86. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

87. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас, амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини

камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги Низоми” билан белгиланади.

## 11. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

88. Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ва ушбу устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Ўз фаолиятида Кузатув Кенгаши:

- жамият манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади, мустақил ва ҳолис қарорлар қабул қилиш ва барча акциядорлар (иштирокчилар) тенглигини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади;

- жамият мансабдор шахслари ва Акциядори даражасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини кузатиб боради ва имкон қадар бартараф этади, шунингдек жамият мол-мулкидан ноқонуний фойдаланиш ва тузилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларда суистеъмол қилиш имкониятлари ва шартларининг олдини олишга ва (ёки) уларни бутунлай истисно этишга интилади;

- жамиятда корпоратив бошқарув амалиётининг самарадорлигини назорат қилади;

- акциядорлар, жамият бошқаруви аъзолари ва назорат органлари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, жавобгарлик ва назорат тамойиллари асосида ўзаро ҳамкорлик қилади;

- тегишли самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди ва асосий хавфларни аниқлайди;

- ички назоратнинг умумийтироф этилган тамойилларига мувофиқлигини таъминлаш учун асосли сиёсатлар, процедуралар ва назорат ҳамда мувозанатни ўз ичига олган мустаҳкам ички назорат тизимини яратади.

- корхона тўғрисидаги молиявий ҳисоботлар вужудга келадиган хатарларни акс эттиришини таъминлаш учун маълумотларни адолатли тақдим этилиши ва ошкор қилиш жараёнларини назорат қилади.

89. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари (шу жумладан мустақил аъзо)га улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

90. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган

чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамият Бошқарув раисининг ўринбосарини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини ўрнатилган тартибда муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг бошқарув аъзоларини тайинлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини танлов асосида сайлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 8- ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини, бу борада қарор қабул қилиш тартибини белгилаш ҳамда бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни Жамиятнинг веб-сайтида ошкор этиш тарзида бериш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

қимматли қоғозлар чиқарилиш тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) кўшимчалар матнини тасдиқлаш;

мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизмини, шунингдек устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) келишиш;

жамиятда корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш ва корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда корпоратив бошқарув амалиётини назорат қилиш, корпоратив бошқарув сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

жамият кўмиталарини тузиш ва улар тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;

Миноритар акциядорлар кўмитасининг жамият ҳисобидан таъминоти учун харажатларини тасдиқлаш (*миноритар акциядорлар кўмитаси тузилган ҳолда*);

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш тартибини белгилаш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;

Кузатув Кенгаши ва жамият Бошқаруви аъзоларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда суғурта лимитлари ва суғурта компаниясини белгилаш;

амалга оширилган харидлар тўғрисидаги жамият ҳисоботини ҳар чоракда камида бир марта кўриб чиқиш;

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

91. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Бошқарувиغا ўтказилиши мумкин эмас.

92. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг мустақиллигини таъминлаш учун унинг таркибидаги уч (3) нафар аъзо мустақил аъзо бўлиши лозим, аммо Кузатув Кенгашига 6 йиллик доимий аъзоликдан сўнг улар Кузатув Кенгашидаги мустақил аъзолик мақомини йўқотадилар.

Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзод Жамият кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

93. Қуйидагилар Кузатув Кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сўнгги уч йил давомида жамиятда ва (ёки) жамият билан боғлиқ шахсларда ишлаган шахс;

жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан кўп фоизига эгалик қилувчи акциядор (тўғридан-тўғри ва (ёки) боғлиқ шахслар орқали);

жамиятнинг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси ва (ёки) жамият билан боғлиқ шахс билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга эга бўлган шахс. Бунда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан ортиқ миқдорда амалдаги шартнома мавжуд бўлган шахслар йирик мижозлар ва йирик етказиб берувчилар сифатида тан олинади;

сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамият билан боғлиқ шахсларга аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

олти йил кетма-кет Банк Кузатув Кенгаши аъзоси бўлган шахс;

жамият ва (ёки) у билан боғлиқ шахслар билан бирор бир шартномага эга бўлган шахс, Кузатув Кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ келишувлар бундан мустасно;

ҳозирда жамиятнинг ва (ёки) жамият билан боғлиқ шахсларнинг бошқарув ва ички назорат органи аъзоси ҳисобланадиган ёки сўнгги уч йил давомида шу лавозимларда ишлаган шахс билан яқин қариндош бўлган ёхуд яқин муносабатда бўлган шахс (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотин, шунингдек, эр-хотиннинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари);

давлат бошқаруви органи ёки давлат корхонаси ходими бўлган шахс;

жамият Устави ёки умумий йиғилиш қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган шахс.

94. Кузатув кенгашининг аъзоси сифатида бенуксон ишчанлик ва шахсий обрў-эътиборига эга бўлган ҳамда Кузатув кенгаши ваколатига тегишли қарорларни қабул қилиш ва функцияларини самарали бажариш учун талаб этиладиган билим, кўникма ва тажрибага эга бўлган шахслар тавсия этилади.

95. Қуйидаги малака талабларига эга бўлган шахс Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзод сифатида тавсия этилиши мумкин:

олий таълим ёки илмий даражанинг, ёинки бошқарув (менежмент) соҳасида кўшимча таълими мавжуд бўлган;

Давлат ёки хўжалик бошқарув органлари активларини бошқариш соҳасида ва/ёки Жамият фаолиятига тегишли бўлган тармоқда иш тажрибасига эга;

раҳбар лавозимларида, шу жумладан Кузатув кенгашлари таркибларида иш тажрибаси мавжуд;

турли коллегиял органларда иштирок этиш, шу жумладан унинг Кузатув кенгаши кўмиталарида аъзолиги билан боғлиқ махсус кўникмалар (кучли коммуникативлик кўникмалари, фаолиятни шаффофлик, холислик, конструктивлик ва профессионализм тамойиллари асосида амалга ошириш учун зарур сифатлар)га эга бўлган;

ваколатли давлат органи томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестатига эга бўлган иқтисодиёт соҳасидаги ёки давлат тизимида қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилмаган шахслар.

96. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин (*Кузатув Кенгаши таркибида мустақил аъзо мақомини сақлаб қолиш учун вақт чекловни ҳисобга олган ҳолда*).

97. Жамият бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси (шу жумладан мустақил аъзо) бўлиши мумкин эмас.

98. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби 7 (етти) аъзодан иборат этиб белгиланади. Шундан, 3 (уч) нафар аъзо Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси ҳисобланади. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга ҳисобланади.

Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика кўмиталари ташкил этилиши мумкин.

99. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

100. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

101. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

102. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади ва унинг Раёсати таркибига киради, жамият номидан Жамият Бошқарув раисини ва бошқарув аъзоларини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномасини тузади.

103. Жамият Кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

104. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, Кузатув кенгашининг аъзоси, аудиторнинг, Жамият Бошқарувининг ҳамда Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган акциясига эга бўлган акциядор (акциядорлар)ининг талабига биноан чақирилади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби “O‘zagrolizing” АJнинг Кузатув кенгаши тўғрисида Низом”да белгилаб қўйилади.

105. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоиздан кам бўлмаслиги керак. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу миқдордан кам бўлиб қолса, жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

106. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида, ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

107. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш, акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинганда, йирик битим ҳамда аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок

этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

108. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига бериши мумкин эмас.

109. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳуқуққа эгадир.

110. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

111. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Мажлис баённомаси тўлиқ имзоланганидан сўнг ўн кунлик муддатда Давлат активларини бошқариш агентлигининг “Давлат мулки” ахборот тизимига жойлаштирилади.

112. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

113. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган кун жамиятнинг бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг Бошқарувига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган кун топширилади.

114. Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади.

115. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб виждонан ва оқилона иш тутиши, уларга маълум бўлган махфий маълумотларни ва хизмат ҳамда тижорат сирини ташкил этувчи Жамият ҳужжатларини ошқора қилмасликлари лозим.

116. Кузатув кенгаши аъзолари ўз мавқеини ва Жамият фаолияти ҳақида олинган маълумотларни шахсий манфаатларида фойдаланишига, шунингдек ушбу маълумотларни бошқа шахслар томонидан шахсий манфаатларида фойдаланишига йўл қўймасликлари лозим.

117. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

118. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

119. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги фидуциар мажбуриятларни бажаришлари лозим:

- жонқуярликни намоён қилиш мажбурияти – Кузатув кенгаши аъзосидан виждонан ва жонқуярлик асосида ҳаракат қилиш;

- содиқликни намоён қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мажбурияти – Кузатув кенгаши аъзоларидан, биринчи навбатда, жамият манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш;

- лозим даражада кўздан кечиришликни намоён қилиш мажбурияти – Кузатув кенгаши аъзоларидан жамиятга нисбатан қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш;

- мустақил мулоҳазадан фойдаланиш мажбурияти – Кузатув кенгаши аъзосидан қарорларни мустақил, шахсий ва бошқа манфаатларни инобатга олмаган ҳолда қабул қилиш.

## 12. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ

120. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик 5 кишидан иборат коллегиял ижроия орган – Бошқарув томонидан амалга оширилади.

Бошқарув раиси жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади.

Бошқарув раисининг ўринбосари Жамият Кузатув кенгаши томонидан сайланади.

Бошқарув аъзолари Кузатув кенгаши йиғилиши томонидан қабул қилинадиган қарорга мувофиқ тайинланади.

121. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

122. Жамиятнинг Бошқаруви Жамият устави асосида иш юритади.

123. Жамият Бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Жамият бошқаруви мажлисининг баённомаси Кузатув кенгашининг талабига кўра уларга берилади.

Жамиятнинг бошқаруви мажлислари ўтказилишини Бошқарув раиси ташкил этади, у Жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда Жамият Бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди.

124. Жамият бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

125. Жамият Бошқарув раиси:

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Жамият номидан битимлар тузади, Жамиятнинг филиаллари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари раҳбарларини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- Бошқарув фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, Жамиятга топширилган вазифаларнинг бажарилишига шахсан жавоб беради, Бошқарув раисининг ўринбосари - лизинг лойиҳалари маркетинги ва мониторинги бўйича директор, Бошқарув аъзолари ва ижроия аппаратнинг бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўртасида хизмат вазифаларини тақсимлайди;

- амалдаги қонунчилик ва ушбу устав меъёрларига мувофиқ Жамият ваколатига кирган масалалар бўйича буйруқлар, йўриқномалар ва бошқа меъерий ҳужжатларни имзолайди;

- амалдаги қонунчилик ва ушбу устав меъёрларига мувофиқ Жамият мол-мулки ва маблағларини тасарруф этади. Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқарида Жамият номидан иш юритади, юридик ва жисмоний (шу жумладан хорижий) шахслар билан Жамият номидан шартномалар ва бошқа битимлар тузади.

126. Бошқарув раиси Бошқарув қошида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва бошқа меъерий ҳужжатларга мувофиқ ижро этувчи аппарат тузади.

127. Бошқарув раиси ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик ва ушбу устав меъёрларига, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “O‘zagrolizing” АЈнинг Бошқаруви тўғрисида Низом”га ҳамда Бошқарув раиси ва Кузатув кенгаши ўртасида уч йил муддатга тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ амалга оширади. Шартномани Жамият номидан Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаш номидан вакил қилинган шахс имзолайди.

128. Бошқарув раиси йилнинг ҳар чорагида йиллик “Бизнес-режа” параметрлари бажарилишининг бориши тўғрисида Кузатув кенгашига, йил якуни бўйича Акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобот беради.

Бошқарув раиси ва Бошқарув раиси ўринбосари фаолиятининг самарадорлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) асосида баҳоланади. Бунда, Бошқарув раиси ва Бошқарув раиси ўринбосари фаолиятининг кейинги ҳисобот йили учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) ва уларга эришиш бўйича “йўл хариталари” алоҳида чорақлар кесимида ишлаб чиқилиб, Кузатув кенгаши томонидан мақулланганидан сўнг, тасдиқлаш учун ҳар йили 15 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Бошқарув раиси ва Бошқарув раиси ўринбосарини рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги ПФ-49-сон фармонида белгиланган тартибда уларнинг КРІ натижаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

129. Бошқарув раисининг бир вақтнинг ўзида бошқа ташкилотлар бошқарув органларидаги лавозимларда ҳам ишлашига фақат Кузатув кенгашининг розилиги асосидагина рухсат этилади.

130. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари Кузатув кенгашига сайланишлари ва тайинланишлари мумкин эмас.

131. Бошқарув раиси баъзи сабабларга кўра ўз лавозим вазифасини бажариш имкониятига эга бўлмай қолса, у ҳолда Кузатув кенгаши томонидан, Бошқарув раиси вазифаларини вақтинча бажариб туришни Бошқарув раисининг ўринбосари ёки бошқарув аъзоларидан бири зиммасига юклаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

132. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари ва Бошқарув раиси ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошираётганларида Жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишлари шарт.

133. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари жамият Бошқарув раисини сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

134. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари ва Бошқарув раиси амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу устав меъёрларига мувофиқ Жамият олдида масъулдирлар.

135. Жамиятни зарар кўришига олиб келган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар бўйича овоз беришда қатнашмаган ёки қарши овоз берган Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари ва Бошқарув аъзолари масъулиятдан озод этиладилар.

136. Жамият ёки Жамиятнинг энг камида бир фоиз жойлаштирилган акцияларига эга бўлган акциядор (акциядорлар), Жамиятга етказилган зарарни қопланишини талаб этиб, Кузатув кенгашининг аъзоси ёки Бошқарув раисига нисбатан даъво қўзғатган ҳолда Судга мурожаат қилиши мумкин.

137. Жамиятнинг миноритар акциядори ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

### 13. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

138. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

139. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

140. Ички аудит хизмати ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

141. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

#### 14. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ

142. Жамиятда Кузатув кенгашининг қарори асосида корпоратив маслаҳатчи лавозими ташкил этилиши мумкин. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

143. Жамият фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш корпоратив маслаҳатчининг асосий вазифаси ҳисобланади.

#### 15. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ, ВАКОЛАТХОНАЛАРИ, ШЎЪБА ВА ТОБЕ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ

144. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда ўз филиаллари, шўъба корхонаси, тобе корхоналарини ташкил этиш ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

145. Жамиятнинг филиаллари Жамиятнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Филиаллар юридик шахс мақомига эга эмас. Улар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган “Низомлар” асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалларга бериб қўйилган мол-мулки Жамият балансида ҳисобга олинади.

146. Жамиятнинг филиаллари алоҳида мустақил бухгалтерия баланси ёки мустақил ҳисоб рақамига эга бўлиши мумкин эмас.

147. Филиалларнинг раҳбарлари Жамият Бошқарув раиси томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

148. Жамиятнинг хориждаги ваколатхонаси (ёки тобе корхонаси) фаолияти Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро меъёрий ҳужжатлар, мазкур ваколатхона (тобе корхона) жойлашган мамлакат қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси билан мазкур хорижий давлат ўртасида икки тарафлама имзоланган давлатлараро келишувлар нормалари билан тартибга солинади.

149. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

150. Шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас.

151. Шўъба хўжалик жамиятининг уставида назарда тутилган тақдирда Жамият унга мажбурий кўрсатма бериш ҳуқуқига эга бўлади.

152. Шўъба хўжалик жамияти Жамиятнинг айби билан банкрот бўлган тақдирда Жамият шўъба хўжалик жамиятининг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

Жамият шўъба хўжалик жамияти томонидан муайян ҳаракатлар амалга оширилиши оқибатида унинг банкрот бўлиб қолишини олдиндан била туриб, шундай ҳаракатларни амалга ошириши учун шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатма берган ва (ёки) шўъба хўжалик жамиятининг имкониятидан фойдаланган ҳоллардагина шўъба хўжалик жамиятининг банкротлиги Жамиятнинг айби билан юз берган деб ҳисобланади.

153. Филиаллар, ваколатхоналар ва шўъба хўжалик жамиятининг тузилмаси, ходимлар сони ва штатлар жадвали Жамият Бошқарув раиси томонидан буйруқ асосида тасдиқланади.

154. Жамият қуйидаги филиалларга эга:

- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Qoraqalpog’iston Respublikasi filiali;
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Andijon viloyati filiali;
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Buxoro viloyati filiali;
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Jizzax viloyati filiali;
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Qashqadaryo viloyati filiali;
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Navoiy viloyati filiali.
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Namangan viloyati filiali;
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Samarqand viloyati filiali;
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Sirdaryo viloyati filiali;
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Surxondaryo viloyati filiali;
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Toshkent viloyati filiali;
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Farg’ona viloyati filiali;
- “O’zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati Xorazm viloyati filiali.

155. Жамият масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба хўжалик жамиятларига эга эмас.

## 16. ЖАМИЯТНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБ-КИТОБИ ВА ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИ

156. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

157. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

158. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

159. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг Кузатув

кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

160. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

161. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти солиқ ва молия органлари ёки ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органлари ҳамда зарурият бўлган ҳолларда шартнома асосида аудиторлик ташкилотлари томонидан текширилиши мумкин.

162. Жамиятнинг ўтган молиявий йил учун “бизнес режа” параметрлари соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирда, унинг ҳомийлик ва бошқа қайтарилмайдиган ёрдамлар учун харажатлари ўтган йил соф фойдасининг 3 фоизидан ошиб кетмаслиги шарти билан амалга оширилиши мумкин (бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно).

163. Жамият томонидан олинган ҳомийлик маблағлари ва бошқа қайтарилмайдиган ёрдам тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида ва жамиятнинг расмий веб-сайтида ёритилиши ҳамда уларнинг алоҳидалашган ҳисоби юритилиши шарт.

## 17. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИЛИШИ

164. Жамиятнинг юридик мақоми, унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ёки юридик ва жисмоний шахслар билан бўлган ўзаро муносабатлари юзасидан келиб чиқувчи низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига биноан судлар (шу жумладан, иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади).

## 18. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

165. Жамиятнинг қайта ташкил этиш, кўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, Жамиятдан ажратиб чиқариш ва қайта тузиш Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибларда амалга оширилади.

Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

166. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади.

167. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган Жамиятнинг Кузатув кенгаши Акциядорлар умумий йиғилишининг ҳукмига Жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳавола этади.

168. Ихтиёрий равишда тугатилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тугатиш тўғрисида ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

169. Жамият суднинг қарори билан тугатилганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

170. Тугатувчи тайинланган пайдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган Жамият номидан судда иштирок этади.

## 19. ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

171. Тугатувчи оммавий ахборот воситаларида Жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар қўйиш учун белгиланган муддат Жамиятнинг тугатилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

172. Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

173. Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тугатилганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур баланс тугатилаётган Жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Оралиқ тугатиш баланси Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

174. Агар тугатилаётган Жамиятда мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи Жамиятнинг мол-мулкни суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда ким ошди савдосида сотишни амалга оширади.

175. Тугатилаётган Жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида, тугатувчи томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

176. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугатилганидан кейин тугатувчи тугатиш балансини тузади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

177. Жамият тугатилганида унинг мол-мулки акциядорлар ўртасида амалдаги қонунчилик меъёрлари талаби асосида тақсимланади.

178. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритиб қўйган пайдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган ҳисобланади.

## 20. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

179. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йули билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

180. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йули билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

181. Устав бўйича белгиланмаган қоидалар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширилади.

**“O‘zagrolizing”  
aksiyadorlik jamiyati**  
Бошқарув раиси ўринбосари



**А.Насирдинов**